

Ishonch

2020 йил 4 февраль • сешанба • № 20 (4305)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 февраль кuni мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Майкл Ричард Помпеони қабул қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев кейинги йилларда барқарор, тизимли тус олган ва ўзаро ишончга асосланган кўп қиррали Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари изчил ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берган 2018 йил май ойида АҚШга олий даражадаги тарихий ташриф чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ўзаро алмашинувлар фаоллашгани алоҳида таъкидланди.

Конструктив, жумладан, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича сиёсий мулоқот йўлга қўйилди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий, аграр, энергетик, таълим, ҳуқуқни

муҳофаза қилиш ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик кенгаймоқда.

Кейинги бир неча йил давомида товар айирбошлаш ҳажми икки баробар кўпайди. АҚШнинг етакчи компаниялари иштирокида мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Америка инвестицияларининг умумий ҳажми 1 миллиард доллардан ошди.

Жорий ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда Вебстер университетининг филиали ўзини бошлади.

АҚШ Давлат котиби, ўз навбатида, самимий қабул учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда Президент Дональд Трампнинг саломлари билан таъкидланди.

АҚШ томони Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини доимо қўллаб-қувватлашда қатъий эканини яна бир бор тасдиқлади.

Майкл Помпео Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик янгиланишлар ва иқтисодий ислохотларнинг натижадорлигини юксак баҳолади.

Давлат департаменти раҳбари, шунингдек, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлида мустақкам асос яратётганини таъкидлади.

Учрашувда минтақавий аҳамиятга молик масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат котиби Тошкентда Марказий Осиё ва АҚШ ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Янги Ўзбекистон раҳбарининг сиёсати туфайли миннатдорлик ва шериклик ва яхши кўшничлик муҳитини шакллантиришда катта натижаларга эришилгани таъкидланди.

2019 йил ноябрь ойида пойтахтимизда ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари иккинчи Маслаҳат учрашувининг самарали натижалари алоҳида қайд этилди.

Иқтисодиёт соҳасида АҚШ етакчи компанияларининг Ўзбекистон бозоридаги иштирокни кенгайтиришни ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ келишувларга эришилди.

Майкл Помпео бугунги кунда мамлакатимизда савдо-иқтисодий ҳамкорлик қўламини бир неча ўн карра ошириш имконини берадиган бизнес ташаббуслари учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, АҚШ мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига кириш жараёнини жаддалаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиши қайд этилди.

Инсон салоҳиятини ривожлантириш, жумладан, фуқаролик жамиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш,

ижтимоий дастурларни амалга оширишда конструктив ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, шунингдек, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий минтақавий ҳамкорликка жалб қилиш масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Майкл Помпео Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашга доир аниқ инфратузилма лойиҳаларини илгари суришга қаратилган фаол саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Учрашув сўнггида томонларнинг Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама мустақкамлаш борасидаги интилишлари қатъий экани таъкидланди.



Президентимизнинг тегишли фармонида мувофиқ Муроджон Аҳмадалиевга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилди.

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида Майами-Бич шаҳрида (АҚШ) профессионал бокснинг WBA ва IBF йўналишлари бўйича ярим энгил вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритган Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Муроджон Аҳмадалиевни тақдирлаш маросими ўтказилди. Унга давлатимиз раҳбари номидан Тошкент шаҳрида жойлашган хонадон қалити ва «Chevrolet Tracker» автомобили топширилди.

«Hyatt Regency Tashkent» меҳмонхонасида АҚШ Давлат котиби Майкл Помпеонинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон ва АҚШ ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг учрашуви бўлди.

Ишчи гуруҳ фаолияти

Сирдарё тажрибаси: ҲАЁТГА ИШОНЧ УЙЎТАЁТГАН ТАШАББУС

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенатининг биринчи йиғилишида Сирдарёда уйма-уй юрилганда ейишга нони йўқ, уйда тўшашга шолчаси йўқ, дори олишга пули йўқ, йиғлашга кўзида ёши йўқ аёллар борлиги аниқлангани ҳақида айтиб ўтган эди.



Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан мушкул аҳволга тушиб қолган оилаларга ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси мутасаддилигида Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика Ишчи гуруҳи тузилиб, Сирдарё туманида кенг қўламли ўрганиш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Хотин-қизлар кўмитаси, Маҳаллалар кенгаши, Маънавият ва маърифат маркази вакиллари билан Сирдарё туманидаги маҳаллаларда уйма-уй юриб, аҳоли билан мулоқотлар асноси мингдан зиёд муаммоларни аниқлади.

Яқинда Сирдарё туманида Ишчи гуруҳнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Республика Ишчи гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов мавжуд ҳолат ҳақида батафсил маълумот берди.

Ўрганишлар ва оилалар соҳибалари бўлиш хотин-қизлар билан суҳбатлашиш натижасида уларнинг асосий муаммолари

уй-жой билан таъминлаш, ўзлари ва оила аъзоларининг саломатлигини тиклаш, бандлигини таъминлаш экани маълум бўлди, – деди Қудратилла Рафиқов. – Хусусан, муаммоларнинг 23 фоизи уй-жой, 21 фоизи саломатлик, 17 фоизи моддий ёрдамга муҳтожлик, 14 фоизи иш билан таъминлаш, 8 фоизи тадбиркорлик ва кредит ажратиш, 4 фоизи коммунал соҳа, 2 фоизи оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг нотинчлиги, 1 фоизи таълим, 10 фоизи бошқа йўналишларга тўғри келади.

Наманган вилояти Президент ташрифидан сўнг



Шахандда замонавий фабрика

Тўрақўрғон тумани Шаханд шаҳарчасида янги корхона – «FT TEXTILE GROUP» масъулияти чекланган жамиятида айни вақтда 300 нафарга яқин маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган.

Пахта толасидан сифатли ип-калава ишлаб чиқараётган ушбу янги корхона Германия, Швейцария, Белгия, Туркиянинг замонавий қадоклаш ва технологик ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган бўлиб, бу ерда ишлаб чиқарилаётган хомашёнинг асосий қисми экспорт учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, корхонада тайёрланаётган ип-калава хомашёсидан «BIRYUZA GROUP» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда тайёр трикотаж маҳсулотлари ва бўялган трикотаж матолари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз, – дейди корхона раҳбари ўринбосари Фахриддин Даминов. – Ҳозирда тайёр трикотаж маҳсулотлари маҳаллий бозорларимизга чиқарилмоқда.

Шунингдек, корхонанинг иккинчи босқич қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Яқин орада ишлаб чиқариш цехи тўлиқ қувват

билан ишлаб, янги иш ўринлари яратилади.

Вилоятга Президент ташрифидан сўнг яна бир қанча туманларда шунга ўхшаш ўнлаб янги корхоналар ишга тушди, қўллаб маҳаллий аҳоли доимий иш ўринларига эга бўлди. Уларни иш жараёнида муносиб меҳнат шартлоғлари билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимояси билан бевоқиф шугулланиш мақсадида янги ташкил этилган корхоналарнинг кўпчилиги касба уюшма аъзоларига қабул қилинди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси берган маълумотга кўра, 2019 йилда 234 та бошланғич, 209 та цех касба уюшмалари аъзоларига олинган.

Келгуси сонларда ўқинг... >>>

Саратон – бедаво дард эмас

Бекор бўлган буйруқлар

Ёхуд ходимлар манфаати қандай ҳимоя қилинмоқда?

Тошкентда Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг «С5+1» шаклидаги учрашуви бўлиб ўтди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида **коронавирус** инфекциясининг юртимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан **видеоселектор** йиғилиши ўтказилди.

Ҳиндистоннинг Харьян штати Фаридобод шаҳрида «Surajkund Mela» – дунёнинг энг йирик хунармандчилик фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон шерик мамлакат сифатида иштирок этмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан «**Чимён-ЭХО – 2020**» эко-сайёҳлик спорт фестивали ҳамда «**Чимён экстрим – 2020**» киши экстремал спорт турлари бўйича **фестиваль ўтказилди.**

Маъруфжон Тожибоев Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисидаги ваколатли вакили этиб тайинланди.

«**Нидиққўй ахборот**» телеграм канали

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги Факултода ва мухтор элчиси Саид Рустамов Буюк Британиянинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари (EECAN) билан савдо алоқалари масалаларига бағишланган форумда иштирок этди.

Австрия пойтахти Вена шаҳрида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Иқтисодий-экологик қўмитасининг жорий йилдаги ва Ўзбекистон раислигидаги илк йиғилиши бўлиб ўтди.

Энергетика вазирлиги Осиё тараққиёт банки кўмағида Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида фотоэлектр (куёш) станциясини қуриш бўйича биринчи пилот лойиҳаси бошлангани эълон қилди.

Россиянинг Истеъмолчилар ҳуқуқи ва инсон саломатлигини ҳимоя қилиш федерал хизмати Ўзбекистон ва Қозғоғистонга янги коронавирусни лаборатор диагностика қилиш воситаларини тақдим этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси лойиҳаси эълон қилинди.

Тошкент шаҳри

Тарғибот

Фаолиятнинг ҳуқуқий асоси

Тошкент ахборот технологиялари университетиди «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун тарғиботига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъул ходимлари, Тошкент шаҳар ҳокимияти, шаҳар прокуратураси, Бандлик бош бошқармаси, Адлия бошқармаси ҳамда бошқа бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов мазкур қонун ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини таъмин-

лаш, касаба уюшмаларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилганини таъкидлади. Шунингдек, ходимлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда касаба уюшмалари учун қулай шарт-шароит ва кафолатлар яратишга, касаба уюшмаларининг иш берувчилар, давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштиришга, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзаро савол-жавоб ва жонли мулоқот тарзида кечган тадбирда

янги қонунда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар, иш жараёнида ходимлар саломатлиги, текшириш ва ҳисобга олиш масалаларига қай даражада эътибор қаратилгани кенг муҳокама қилинди. Хусусан, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби ва талаблари борасидаги саволларга атрафлича жавоб қайтарилди.

Янги қонун тарғиботи доирасида ташкил этилган ушбу анжуман нафақат соҳа эгалари, балки барча фаолларни ўз хизмат вазифасига янада масъулият билан ёндашиши учун замин ҳозирлади.

Тадбирда қонуннинг аҳамияти юзасидан тайёрланган видеолавҳа ҳамда касаба уюшмалари фаолиятдан саҳна кўриниши намойиш этилди.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тармоқ тизимидаги «Қўқонспирт» АЖ, «Фарғона кимё заводи» МЧЖ, «Жиззах пластмасса» АЖ каби бир қатор корхоналарда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун тарғиботига бағишлаб семинарлар ўтказди.

Моҳиятни англаш масъулияти

Анжуманларда қонуннинг мазмун-моҳияти, фаолиятда янада самарали механизм яратилгани, касаба уюшмаларининг аъзолар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ҳақида тушунтиришлар берилди.

Хусусан, касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошқа бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш соддалаштирилди. Қонуннинг 21-моддасига биноан энди фақат касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, шунингдек, юри-

дик шахс бўлган бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтказилади. Амалдаги қонунда бу норманинг йўқлиги сабабли барча бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ва бошқа бўлинмадаги ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтиши шарт эди.

«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасида эса касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини олиб боришда ўзига хос хусусиятлар бўлиши мумкинлиги айтилган; аммо улар қандай хусусиятлардан иборатлиги белгиланмаган. «Касаба уюшмалари тўғри-

сида»ги янги қонун жамоатчилик назоратининг турлари алоҳида-алоҳида моддаларда ериштирилгани билан янада аҳамият касба уюшмаларининг инспекцияларини тузиш ҳамда касаба уюшмалари инспекторларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани ҳамда мавзуга доир бошқа жиҳатлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Аслиддин ҲАСАНБОВ,
Кимё ва фармацевтика саноати
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши бош
юрисконсулти

Самарқанд вилояти

Таҳлил

«Самарқанд йўллардан мунтазам фойдаланиш» унитар корхонаси кейинги 16 йил давомида муттасил «депсиниб» келди. Иқтисодий қоқоқлик барча жабҳаларда акс этиб турарди. Ўтган йиллар давомида 12 маротаба раҳбар алмашгани ҳам дард устига чипқон бўлди. Кадрлар кўнимсизлиги, тажрибали мутахассисларнинг турли гўшаларга «бош олиб» кетиши ортгидан ортди...

– Натижада корхонада нафақат ойлик маош, балки барча солиқ ва мажбурий тўловлардан катта миқдорда қарздорлик юзга келганди, – дейди корхона директорининг молиявий ишлар бўйича ўринбосари Манзура Курбонова. – Ходимлардаги тушун қайфият ўн учинчи раҳбар ишни қабул қилаётганида янада яққол намоён бўлди...

Халқаро аҳамиятдаги 385 километр, давлат аҳамиятига эга 10 километрлик йўллардаги тартибни эса бу кайфият билан сақлаб бўлмади, албатта. Ишлаб чиқариш қувватидан аранг 40-45 фоизга фойдаланилаётган асфальт заводи, мутлақо тўхтаб қолган темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини модернизация қилиш талаб этиларди. Энг катта муаммо эса корхонани тарқ этган мутахассисларни қайтариш эди.

– Айрим раҳбарларнинг касаба уюшмалари фаолиятига панжа орасидан қараб келгани боис, аъзолик бадаллари ўз вақтида кўчириб берилмас, оқибатда ходимлар кўпгина имтиёزلардан бебаҳра эди, – дейди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Алим Ражабов. – Раҳбар ишни жамоа шартномасини ўрганиш орқали ходимлар учун яратилган имтиёз ва шароитлар билан танишишдан бошлади. Корхонанинг ҳар бир цехида ходимлар учун алоҳида кийиниш, ювиниш ва дам олиш хоналари ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади. Ва бунинг уддасидан чиқди ҳам. Янги таъмирланган ва жиҳозланган ошхонада 2019 йилнинг март ойидан бошлаб барча ходимларга bepуд иссиқ овқат берила бошланди. Ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига ҳам алоҳида аҳамият қа-



БАРҲАМ ТОПГАН «ДЕПСИНИШ»

Самарқандлик йўлсозлар қандай қилиб ночор аҳволдан чиқиб олишди?

ратилди. Қишки ва ёғи махсус кийимлар, дори-дармонлар харид қилинди. Ходимлар кайфияти кўтарилиб, иш олдинга силжий бошлади.

– Касбимиз масъулиятли, – дейди корхона ходими Комил Зиёев. – Ёзнинг иссиғи, қишнинг аёзи демасдан ишлаш керак. Заҳматли юмушга ҳамма ҳам бардош беролмайди, агар шунга яраша рағбат бўлмаса. Иқтисодий ночорлик боис, кўпчилик кетиб қолганди. Шароит ва имкониятлар яхшилангач, улар яна сафимизга қайтди.

Корхонада айни вақтда 334 нафар йўлсоз меҳнат қилмоқда. Асфальт ишлаб чиқариш заводи қуввати оширилиши, темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи фаолияти йўлга қўйилиши ҳисобидан 40 та янги иш ўрни яратилган. 2019 йилнинг ўн ойида ишлаб чиқариш 1,7 баробарга ошган. Шу даврда 32,2 миллиард сўмлик йўлларни сақлаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилган. Кадрлар салоҳиятини ошириш, замонавий технологик усулларни амалиётга жорий этиш мақсадида 2 нафар мутахассис Россияда малака оширди. Фаолиятга янги технология олиб кирил-

моқда, ускуналар янгиламоқда. Хусусан, «DUNOPAK» компаниясининг 6 та замонавий техникаси харид қилинди.

– Давлатимиз раҳбари Самарқандга ташири фотида Самарқанд халқаро аэропортини ривожлантиришга оид лойиҳа билан танишиб, бу ерда кўшимча терминаллар барпо этиш, учиб-қўниш йўлагини реконструкция қилиш, самолётлар тураргоҳини кенгайтириш, радиолакация тизимини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берган эди, – дейди корхонанинг тажрибали ишчиси Муҳаммади Муродов. – Ана шу масъулиятли вазифага бизнинг корхона жамоаси бош пудратчи этиб белгиланган. Бугун жамоамиз ушбу масъулият вазифани удалаш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Ҳа, бугун самарқандлик йўлсозлар нафақат корхонаси иқтисодини, балки ишончини ҳам тиклашди. Буларнинг барчаси замирида эса инсон омилига бўлган эътибор мужассамдир.

Сирожиiddин ИЗЗАТУЛЛАЕВ,
Транспорт йўл ва капитал қурилиш
қурилиш индустрияси ходимлари касаба
уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган
касаба уюшма кўмитаси раиси

Жиззах вилояти

Оғриқ тишлар...

Қорақалпоғистон Республикаси

Зарбдор туманидаги «Адиروبод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 2 минг 600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Қишлоқда газ, сув таъминоти ва бошқа маиший қулайликлар билан боғлиқ муаммолар йиғилиб қолган. Одамлар махсус машиналарда ташиб келтириладиган ичимлик сувини сотиб олишади. Айни пайтда бир тонна ичимлик сувининг нархи 25 минг сўм. Нарх янада ошмаслигига эса ҳеч қандай кафолат йўқ.

Номига номуносиб қишлоқ

ёхуд Адиروبод қачон обод бўлади?



Қишлоқдаги ички йўлларнинг узунлиги 18 километрга тенг. Кўчалардаги асфальт қопламаси емирилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолганига кўп йиллар бўлган. Иссиқ ва қуруқ мавсумда улар чанг-тўзон билан қопланса, қор-ёмғирли кунларда лой хандаққа айланади.

Қишлоқ аҳолиси куз-қиш мавсумида уйлари иситиш учун кўмир, ўтин ва таппи ёқилишга мажбур. Суолтирилган газдан овқат тайёрлаш, чой қайнатишда фойдаланилади. Кўпчилик уйнинг битта ёки иккита хонасини бир амаллаб иситиб, совуқ кунларни ўтказишга мажбур. Табиий газ йўқлиги сабабли йўл ёқаларидаги дарахтлар кесилиб, ўтин сифатида фойдаланилмоқда. Эшак аравада ўтин ортиб келаётган Эркин Шойимовнинг айтишича, қишлоқда 2014 йилдан буён табиий

газ йўқ, «Муса Шойимов» фермер хўжалиги даласида бўлганимизда бу ердаги дарахтлар кесиб кетилганининг гувоҳи бўлдик. Афсуски, бу ҳолга масъул бўлган мутасаддилар ҳеч қандай чора кўришмаяпти.

Шу қишлоқда истиқомат қилувчи Ойзода Абдураимованинг турмуш ўртоғи вафот этган. Унинг икки нафар фарзанди руҳий хаста. Кичик фарзанди фермер хўжалигида мавсумий ишчи. Унинг ҳам 3 нафар фарзанди бор. Устига устак, турмушдан ажралган қизи Нигора ҳам бир нафар фарзанди билан уйга қайтиб келган. Ўтган йилнинг бошида туман хотин-қизлар кўмитаси ҳисобидан туман марказида қуриладиган кўп қаватли уйлардаги 2 хонали уйнинг бошланғич тўлови тўлаб берилган. Бироқ шу вақтгача уйдан дарак йўқ.

Ойзода опани қийнаётган яна бир муаммо ногирон фарзандлари учун берилмаган дориларни ўз вақтида ололмаётгани билан боғлиқ. Бу турдаги дорилар Жиззах вилояти руҳий касалликлар шифохонасидан берилди. Аксарият ҳолларда улар ўз вақтида берилмагани сабабли Ойзода опа Жиззахга тез-тез қатнашга мажбур.

Хуллас, адиروبодликлар оддий маиший қулайликлардан ҳам мосуво ҳолда умргузaronлик қилишмоқда. Қишлоқ аҳолисини қийнаб келаётган муаммолар қачон ҳал этилиб, «Адиروبод» қишлоғи номига муносиб бўлади – бу энди мутасаддиларнинг эътиборига боғлиқ!

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«Ishonch»



«Етим» кўприк атрофидаги саволлар



«Хўжайли тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси директори М.Қайпназаровнинг юқори ташкилотларга халқаро аҳамиятга молик А-380 автомобиль йўлининг 787-788 километри оралғида жойлашган кўприк таъмирталаб ҳолатга келиб қолгани ҳақида хат йўллаганига ҳам уч йил бўляпти.

Тўғри, кўприкда таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, темирдан таянч устунлари ўрнатилган. Лекин ишлар кўл учиде қилинган сабабми, бугун кўприк аввалгидан ҳам ночор аҳволга тушиб қолган. Яроқсиз ҳолатдаги йўлнинг ёпиб қўйилганига ҳам ярим йилча бўлди.

Хўжайли ва Тахиятош туманларининг айрим қишлоқ ва овуллари аҳолиси олсини яқин қилиб турган ушбу кўприк орқали Хўжайли шаҳрига 10-15 дақиқада борадиган йўловчилар бугун бир соат вақтини айланма йўлларда ўтказмоқда. Қўшни ҳамда олис чет давлатлардан оғир юк ташийдиган прицепли автоуловлар карвони қишлоқлар орасидаги йўллардан ўтишга мажбур бўлмоқда.

– Ички йўлларимиз 10-11 тонна юк ташийдиган автоуловлар учун мўлжаллаб қурилган, – дейди «Хўжайли тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси бош муҳандиси Баходир

Ушбу йўлда автомобиль қатновини қайта тиклаш учун катта маблағ талаб этилади. Бугунги шароитдан келиб чиқадиган бўлса, фақат енгил таъмирлаш ишларини, яъни кўприкда бўяш ва оқлаш юмушларини бажариш имконига эгамиз.

Маълум бўлишича, А-380 халқаро автомобиль йўлининг мазкур участкасида фойдаланиш ишларини қайта ташкил этиш учун камида 3-4 миллиард сўм маблағ талаб этилар экан.

– Ўтган йилнинг август ойи охирида, сентябрь ойининг бошларида ушбу кўприкдан фойдаланиш тўхтатилди, – дейди Мухамбет Матмуратов. – Кўприкнинг тешиланган жойларига юк ташийдиган катта машиналарнинг филдираклари тушиб кетяпти.

Бугун «Тошкент-Нўхус-Кўнғирот» темир йўлининг Хўжайли тумани ҳудудидан ўтадиган тармоғи устига қурилган кўприк аянчли ҳолатда. Халқаро аҳамиятга молик йўлнинг ушбу қисмида муайян даражада қийинчилик юзга келмоқда.

– Яқин кунларда воҳамиздаги катта трассаларда барпо этилган кўприклар ҳисобимиз (балансимиз)га ўтади, – дейди «Қорақалпоғавтойўл» бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Азамат Сарсенбаев. – Масала ҳал бўлгач, ушбу кўприк ишга тушишини тезлаштирамиз.

Яна саволлар устига саволлар пайдо бўлади: аслида, бу кўприкнинг эгаси ким? Айтишларича, яқинда эгасини топар экан, аммо уни ишга тушириш яна қанчан муддатга чўзилади?

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch»

Она тилим – олтин сандиғим!

Она тилимизда ранг-тус турларини англатувчи сўзларни жамласак, саксон еттита чиқди. Айримлари этимологик жиҳатдан араб, форс-тожик, рус ва бошқа тилларга бориб тақалса-да, адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев таъбири билан айтганда, бундай ўзлашмалар «хонадонимизга тушган келинларимиз». Рўйхатда биз назардан қочирган сўзлар ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун уни тугал дейиш фикридан йироқмиз.

Рангин ранглар жилоси


Бундай сўзларни тасвирий санъат назарияси аъналарига мувофиқ иссиқ ва совуқ ранглар кўринишида таснифлаб, эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Иссиқ ранглар: *гўшт ранг, похлоранг, лимонранг, сомонранг, зъфар(он), кахрабо ранг, новотранг, хина ранги, саффо тус, сариқ, зарғалдоқ ранг, малла, сабзи ранг, апельсин ранг, шафқоранг, қизғиш, гулгун, олчоранг, пушти, шафтолиранг, қирмизи, занг туси, арғувон (ий), анор ранг, лоларанг, ёқут ранг (лаъл ранг), оловранг, олтин ранг (тиллоранг), қизил, алвон (ол).*

Совуқ ранглар: *кўрғошин ранг, қалай ранг, бурул (қорабурул), баргикарам, яшил, зумрадранг, сабза, мошранг, пистоқи, оқ, биллур, кумуш ранг, ҳаво ранг, мовий, зангори, ложувард, фе-руза, нафармон, сафсар (сапсар), би-нафша ранг, сиёҳранг, бақлажон ранги, кўк, кўнғир, кул ранг, сур(ранг), бўз, жи-гарранг, гўлос, долчин, буғдой ранг, қаҳва ранг, шоколад ранг, карамель тус, чав-кар, холдор, хол-хол, ола-була, чипор, ола-чипор, металл ранг, ола, қора.*

Шунингдек, тилимизда ранг-туснинг бўёқдорлик даражасини англатувчи куйидаги сўзлар ҳам ишлатилади: сарғиш (сарғимтир), оқиш, кўкиш, (кўкимтир), кўм-кўк, яшил тоб, оч яшил, ям-яшил, қорамтир, қоп-қора, қизғимтир, қип-қизил, оппоқ, сап-сариқ, нимпушти ва ҳоказо.

Рустам ИБРАГИМОВ тайёрлади.



САОДАТГА ЭЛТУВЧИ СЎЗ

9-Февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

яна бир ғазалда уқтирадики, кўнгили пок тут, тилни юмшоқ қил, камтарликни касб этгилки, ана шунда бало-қазодан омондасан.

Гар десанг қаттиқ балога, қолмағайсен чархдин, Олам аҳли бирла юмшоғлиг ила қилғил маош.

Зеро, бировга ёмонлик қилган киши ўзи ҳам ёмонлик кўрмай қолмайди, яъни бировни ноҳақ йиғлатганинг ўзи ҳам йиғлайди.

Кўзгама булбулни кўп, эй гулки, даврон боғида, Қолмамиш кўзғалмайин улким, бировни кўзғаммиш.

Лирик назмдаги ошиқнинг суюкли маҳбубага – хусн шоҳига илтижо-ю ўтинчлари, аслида, ошиқ ва адолатсевар Навоийнинг ҳукмдор-у мансабдорларга, давлатмандларга хитоблари янглиғ жаранглайди.

Ком етурмак ғанимат англа даврон аҳлига, Эй ғани, бу дамки коминг бирладур даврон ҳануз.

Демак, кўлда имконинг бор экан, эл-юртга нафиги тегсин, сендан яхшилик қолсин. Негаки, давр ўткинчи, даврон ғанимат. Эртанги ўкинч, афсус ва пушаймонликдан эса фойда йўқ.

Шу дамни тут ғаниматким, келар дамдан асар йўқтур, Не дамки ўтди худ андин киши топмас нишон ҳаргиз.

...Андоқ иш қилким пушаймон бўлмағайсенким эмас, Ҳеч осигчун иш хато бўлди пушаймонликда ҳайф.

Сабаби – умр ўткинчи. Шоир наздида бировнинг оғирини енгил, мушкулени осон этиш, муродига етишувиде кўмак қўлини чўзиш – инсоний фазилат ва бу борадаги бир фурсатлик хайрли юмуш юз йиллик давр-у даврдондан, тож-у ташт соҳиблигидан аълороқдир.

Кимса юз йил комронлиг қилса балим, арамас, Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа бирое коми била.

Ҳаётини тажрибалар маҳсули сифатида билдирилган шоир фикрича сабр, инсоф, нафсни жонловлай билиш, айниқса, қаюат ҳар кишининг иззатли ва ҳурматли бўлишига сабаб. Тўғрилиқ, рост сўз ва ҳалоллик, садақат эса ҳар кимсанинг ҳавф-у хавотирдан эмин бўлишига, кўнгли хотир-жамлигига заминдир. Бу борада ўқдин мисол ол, дея таъкидлайди шоир. Тўғрилигидан узоққа боради. Ёй эса эгрилигидан кўл-оёғи чандилган, тузоққа тушган.

Туз бўл ўқдек гар тиларсан авж, ёким эгридур- Давр ҳар гўшадин бўғзига солибтур керши.

«Лирик чекиниш» деган ибора бор. Навоий ҳазратлари, таъбир жоиз бўлса, юқоридаги сингари лирикадаги «ижтимоий-сиёсий чекиниш-лари орқали, сўз қудрати воситасида кишиларни энг яхши инсоний фазилатлар эгаси бўлишга даъват этади. Ҳеч шубҳасиз, бу даъват кишилик жамиятини соғломлаштиришга, маънавиятининг юксалишига то абад хизмат қилаверади.

Отабек ИСМОИЛОВ, Хива шаҳридаги «Ичан – Қалъа» давлат музей-қўриқонаси катта илмий ходими



МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
ISSN 2010-5008
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:
Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сўҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАХОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари-«Ishonch-Доверие» бўйича), Мехридин ШУКУРОВ, (Маъсул қотиб - «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул қотиб - «Ishonch-Доверие»)
Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ
Бўлимлар:
Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро хайът – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02
Навобий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов
Мусаҳҳиллар:
С. Шодиева,
З. Холмухаммедова,
Д. Орипов
Саҳифаловчи:
Х. Абдужалилов

Ўза якуни – 22:40
Топшириқди – 01:00

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма Ғ – 217
30688 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133
1 2 3 4 5

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета хайъатининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқди.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмаохонасида chop этилди.
Қорхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ispetka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТІР: 201133889,
ОКЭД: 58130

Халқ Банки

ИСТИҚБОЛ УЧУН ИННОВАЦИЯЛАР

Халқ банки чорвачиликни ривожлантиришга сармоялар йўналтирмоқда

Президентимизнинг жорий йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан эндиликда чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга давлат томонидан субсидиялар берилиши кўзда тутилган. Хусусан, маҳаллий наслчилик хўжаликларидан сотиб олинган наслдор қорамолларнинг ҳар бири учун бир миллион, четдан импорт қилинган наслдор қорамолнинг ҳар бири бошига икки миллион, наслдор қўй ва эчкининг ҳар бошига тўрт юз минг сўм миқдориде маблағ ажратилади.

Халқ банки томонидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачилик давлат қўмитаси, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Чорвачилик соҳасининг келажакдаги истиқболлари ва соҳадаги инновацион технологиялар» мавзусидаги давра суҳбатида қарор моҳияти ҳақида сўз борди.
Қайд этилишича, 2019 йилда тижорат банкларининг бир триллион сўмдан ортиқ маблағлари вазивага четдан 365 мингта насли чорва моллари олиб келинган. Бундан ташқари, 110 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари сутни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва замонавий чорва комплекслари ташкил этишга йўналтирилган.
Таъкидланишича, 2020 йилда чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун 3 триллион сўм миқдориде маблағ йўналтири-

лади. Шунингдек, чорвачилик тармоғига хорижий молия институтларининг 200 миллион долларлик кредит линиялари жалб қилинади ҳамда четдан 400 мингдан ортиқ насли чорва олиб келинади. Ер майдонларидан юқори ҳосил олишни йўлга қўйиш мақсадида АҚШнинг йирик компанияси билан қўшма лойиҳа тайёрланмоқда.
2019 йилнинг ноябрь ойида Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган йиғилишида худудларда Андижон вилояти таҳрибасида «Оилавий кооперацияларни ташкил этиш» мақсадида бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Хусусан, аҳолига 5 бошгача қорамоллар етказиб бериш, Қорақалпоғистон тажрибаси асосида камиде 30 бош қорамол парварши қилинадиган оилавий чорва фермаларини ташкил қилиш, гўшт ва сут маҳсулотлари сотишга мўлжалланган кўчма савдо дўконларини ташкил этиш белгиланган.
Ҳозирда бу борада Халқ банки тадбир-



корлар билан ҳамкорликда 36 миллиард сўмлик йиғирмага яқин лойиҳани амалга ошириш бўйича ишларни бошлаб юборган.
Бундан ташқари, чорвачиликнинг барча тармоқларини илмий асосда ташкил этиш, инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, кадрларни тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш мақсадида Самарқанд ветеринария медицина институти билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Муассасада Халқ банкининг 580 миллион сўмлик ҳомийлик маблағи ҳисобига 1 минг 200 нафарга яқин осеменатор ўқитилди. Жорий йилда яна 3 минг нафарга яқин осеменаторни ўқитиш режалаштирилган.



Аъзам АБУЛҲАЙДОВ,
«Ishonch»
Хизматлар лицензияланган.

Ҳеч қачон чиқмас ёдимиздан...



Ҳеч қачон чиқмас ёдимиздан...

Гулистон шаҳридаги Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабида Ортиқ Отажонов ижодига бағишланган «Назм ва наво» кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оғабек Собиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳмаджон Отажонов, Ортиқ Отажоновнинг фарзанди Зокир Отажонов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Каримбой Раҳмонов ва Шермат Хўжа (Хўжаниёзов) ҳамда бир гуруҳ санъатга ошно инсонлар ташриф буюришти.
Тадбирда ижод мактаби директори, шоир Муҳаммад Исмоил, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими раҳбари, шоира Ойнисо Ортиқбоева ва вилоят прокурори Равшан Машарипов сўзга чиқиб, Ортиқ Отажоновнинг санъати, элга хизмати, инсоний фазилатлари хусусида сўз юритишти. Иштирокчилар Ўзбеки-

стон халқ шоири Омон Матжоннинг ҳофиз ижросидаги шеърларидан ҳамда шоирнинг ҳофиз ҳақидаги жонли хотираларидан баҳраманд бўлишти.
Моҳир созанда Зокир Отажонов ўзининг «Отажон» кўшиғини куйлаб берди.
Шермат Хўжа (Хўжаниёзов) ижод мактаби кутубонасига Хоразм санъати даргалари ҳақидаги хотира китобларидан тақдим этди.
Ижод мактабининг «Гулдаста» рақс тўрага қизлари тадбирга файз киритди.
Ўқувчиларда катта тадрасурот қолдирган тадбир ҳақиқий маънода назм ва наво кечасига айланган.
Турсунной МАМАТХОЛИҚОВА,
Гулистон шаҳридаги Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби директори ўринбосари